

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигида
2005 йил 23 июнда 1482-сон
билан рўйхатга олинган
Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт вазирлиги,
Молия вазирлиги,
Марказий банк Бошқаруви,
Давлат божхона кўмитасининг
2005 йил 21 июндаги 55, 59, 263-В,
01-02/19-16-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Мазкур Низом рус тилида тасдиқланган.
Хужжатнинг матни Норма газетаси ва ахборот-қидирув тизими экспертлари томонидан ўзбек тилига таржима қилинган ва ахборот тусига эга. Ноаниқликлар келиб чиққанида меъёрий-ҳуқуқий хужжатнинг рус тилидаги матнига қаранг.

Хужжатнинг рус тилидаги
матнига қаранг

**Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё
биржасида чет эл валютасида тузилган экспорт
шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисоб-китобларни
ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга
ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низомга АВ 02.05.2013 й. 1482-1-сон билан рўйхатга олинган ИВ, МВ, МБ Бошқаруви, ДБҚ Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

Муқадимма

I. Умумий қоидалар

II. Биржа савдоларининг иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва биржа битимларини бажариш кафолатларини таъминлаш механизми

III. Экспорт биржа шартномаларини рўйхатдан ўтказиш

IV. Биржада тузиладиган битимлар ижросини назорат қилиш

V. Яқуний қоида

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида” ПҚ-24-сон қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 январдаги “Ихтисослаштирилган “Ўзаукционсавдо” ташкилотини тугатиш тўғрисида” 13-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасида

(бундан кейин “Биржа”) чет эл валютасида тузилган экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисоб-китобларни биржанинг Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси орқали амалга ошириш ва уларнинг ижроси устидан назорат қилиш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур Низом мақсадида қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

Товар - муайян тур ва сифатга эга товар, шу жумладан белгиланган тартибда биржа савдосига киритилган товарга доир стандарт контракт.

Биржа битимлари - биржа томонидан рўйхатдан ўтказилган, биржа қайд этган биржа савдосининг натижаси бўйича тузилган, реал биржа товарига нисбатан олди-сотди шартномаси.

Кафолат таъминоти маблағларини киритган ҳолда битимлар - сотувчи ва харидорлар томонидан савдо сессияси олдидан кафолот таъминоти пул маблағларини киритиш билан ўтказиладиган биржа битимлари.

Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (бундан кейин - (ҲККП) - Биржанинг биржа савдолари натижалари бўйича тузилган шартномалар, шу жумладан экспорт шартномалари бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда клиринг ўтказилишини таъминлайдиган бўлинмаси.

ҲККП мижозлари - Биржада чет эл валютасида экспорт шартномаларини тузадиган ва ҲККП хизматларидан фойдаланадиган юридик ёки жисмоний шахслар, шунингдек уларнинг қонуний вакиллари (харидор ва сотувчилар).

Мижознинг ҲККПдаги шахсий ҳисобварағи - фойдаланувчи (мижоз)нинг шахсий рақами билан бирга ҲККПдаги ҳисобварақ.

Фойдаланувчининг шахсий рақами (бундан кейин - ФШР) - ҲККПда мижознинг ҳисобварағига берилган ва унинг чет эл валютасидаги депозит ҳисобварағидаги маблағларини назорат қилиш ҳамда ҲККП орқали ҳаракатини таъминлаш учун хизмат қиладиган рақам.

ҲККПнинг чет эл валютасида талаб қилиб олингунгача иккиламчи депозит ҳисобварағи - ваколатли банкда очиладиган, Биржага хизмат қиладиган, ҲККП барча мижозларининг маблағларини сақлаш ва чет эл валютасида тузилган экспорт шартномалари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун хизмат қиладиган ҲККП умумий валюта ҳисобварағи.

2. ҲККП биржа битими бўйича пул суммаларини депонентлаш чоғида битимларнинг кафолатли таъминоти мақсадида тўлиқ ҳажмда чет эл валютасидаги маблағларнинг олинishi, ҳисобварақлар ўз вақтида тўланиши ва ҲККП мижозларининг тўпланаётган маблағлари бут сақланиши учун жавобгардир.

3. Биржа ҲККП чет эл валютасида талаб қилиб олингунгача иккиламчи депозит ҳисобварағида турган маблағларни ўз мажбуриятларини бажариш учун тасарруф қилишга ҳақли эмас.

4. ҲККПда тўпланаётган мижозларнинг чет эл валютасидаги маблағлари хатланиши, маблағлар музлатилиши, Биржанинг ўз мажбуриятлари бўйича давлат органлари исталган инстанцияларининг солиқ ва йиғимлари ундирилиши мумкин эмас.

II. БИРЖА САВДОЛАРИНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ЎЗARO ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА БИРЖА БИТИМЛАРИНИ БАЖАРИШ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИ

5. Биржа битимларини бажариш кафолатларини таъминлаш мақсадида тузилган биржа битимлари бўйича ҳисоб-китоблар ваколатли банкда очилган, ҲККП чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунгача иккиламчи депозит ҳисобварағи орқали амалга оширилади. Унда маблағларни мижозларнинг шахсий ҳисобварақларига қайд этиш мижозларга берилган ФШРга мувофиқ амалга оширилади.

6. Биржа савдоларининг натижалари бўйича тузилган экспорт шартномаларига ҳисоб-китоб-клиринг хизматини кўрсатиш фақат битимларни кафолатли таъминлаш маблағлари киритилган ҳолда амалга оширилади.

7. Мижозларнинг Биржа ҲККПдаги маблағларидан қуйидагича фойдаланилади:

а) биржа битими ва улар ўртасида тузилган шартномалар шартларини ҲККПда мижознинг шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлар доирасида бажа риш билан боғлиқ, сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга оширишга уларнинг топшириғига биноан;

б) сотувчи томонидан мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, у томонидан ҲККПга товар олинмаганлиги далилини тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим этилиши чоғида харидорнинг ҳисобварағига қайтариш учун;

в) амалдаги тарифларга кўра Биржа ва ҲККПга воситачилик ҳақини тўлашга доир ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун;

г) тузилган экспорт биржа шартномалари бўйича Биржа ҳужжатларида назарда тутилган жарима жазоларини тўлашга.

8. ҲККП биржа савдолари иштирокчиларини уларга хизмат кўрсатиш шартлари, ҲККПдаги мижозларнинг шахсий ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи, биржа клиринги натижалари, савдоларнинг жорий кунида қўйилган ҳажмлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилишга мажбур.

ҲККП томонидан учинчи шахсларга ҳисобварақнинг ҳолати, ҲККПдаги шахсий ҳисобварақларда маблағларнинг қолдиқлари тўғрисида маълумотларнинг ошкор қилинишига йўл қўйилмайди.

9. Савдоларда иштирок этиш учун харидорлар Биржа ҲККПда очилган ўз шахсий ҳисобварағига Биржа белгилаган миқдорларда чет эл валютасидаги кафолатли таъминот маблағларини депонентлайдилар.

10. Кафолатли таъминот маблағларини харидор ҲККПдаги ўз шахсий ҳисобварағига берилган ФШРга мувофиқ ва мижоз брокерлик хизматини кўрсатишга шартнома-топширик тузган брокерлик идораси (брокер)ни кўрсатган ҳолда киритади.

11. Битим Биржанинг электрон савдо тизимида рўйхатдан ўтказилганидан кейин ҲККПда харидорларнинг шахсий ҳисобварақларида турган кафолатли таъминот маблағлари ўз-ўзидан блокировкаланади. Биржа контракти (шартномаси) билан

белгиланган муддат мобайнида, биржа битими рўйхатдан ўтказилганидан сўнг харидор ҲҚКПдаги ўз шахсий ҳисобварағига рўйхатдан ўтказилган шартнома бўйича молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун қўшимча маблағларни ўтказиши шарт. ҲҚКПда харидорнинг шахсий ҳисобварағида 100% миқдорида сумма шаклланиганидан кейин (кафолатли таъминот маблағлари суммасини ҳисобга олган ҳолда) пул маблағлари товарни юклар жўнатиш далили тасдиқлангунга қадар блокировкаланади.

12. ҲҚКП мижоздан маблағлар келиб тушган пайтдан бошлаб икки банк куни мобайнида сотувчига харидор томонидан ўз мажбуриятлари тўлиқ ҳажмда бажарилганлиги тўғрисида тўланган битимлар реестрини тақдим этиши шарт.

13. Агар харидор биржа контракти (шартномаси) томонидан белгиланган муддат мобайнида биржа шартномасига кўра 100 фоизлик суммани тўламаса, ҲҚКП биржа контракти (шартномаси) билан белгиланган тўлаш муддати тугаганидан кейин дарҳол сотувчи ва Биржага битим бекор қилинганлигини хабар қилади ҳамда маблағларни шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жарима жазосида назарда тутилган миқдорда бошқа тарафга қайд этади.

Битим бўйича бекор қилинган маҳсулот ҳажми янгидан сотувчи томонидан савдога қўйилади.

14. Тарафлар томонидан шартнома шартлари етказиб бериш муддатлари, товар сифати, товарни танлаш, товарни олишдан асосиз бош тортиш (сотувчи томонидан сифат шартномаси шартларига мувофиқ келадиган товарнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжат тақдим этилган ҳолда) ва қонун ҳужжатларида ҳамда тузилган шартномада назарда тутилган бошқа шартлар бўйича бузилган тақдирда ҲҚКП жарима жазоси миқдоридаги маблағларни тегишлича ҲҚКПда харидор ёки сотувчининг шахсий ҳисобварағига ўтказиши.

15. Товарни етказиб бериш муддати тугагач, сотувчи ёки харидор 5 банк куни мобайнида ҲҚКПни тарафлар тузилган шартнома шартларини бажармаганлиги (товар сифатининг номувофиқлиги, харидорнинг айби билан товар ўз вақтида танланмаганлиги) тўғрисида хабардор қилади, бу эса жарима жазоси миқдоридаги маблағларни бошқа тарафга ўтказиш учун асос ҳисобланади.

16. Агар шартнома бўйича аҳдлашувчи тарафлар товар етказиб бериш муддати тугаганидан кейин 5 банк куни мобайнида ҲҚКПни тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги тўғрисида хабардор қилмасалар, Биржа унинг бажарилиши бўйича жавобгар бўлмайди.

17. Сотувчи томонидан товарни харидорга юклар жўнатиш учун асос бўлиб, ҲҚКП томонидан берилган, харидор томонидан ўз мажбуриятлари бажарилганлигини тасдиқловчи тўланган битимлар реестри ҳисобланади. (АВ 02.05.2013 й. 1482-1-сон билан рўйхатга олинган ИВ, МВ, МБ Бошқаруви, ДБҚ Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

18. Харидор ва сотувчи имзолаган қабул қилиш-топшириш далолатномасининг санаси юклар жўнатиш санаси бўлиб ҳисобланади.

19. Товар юклар жўнатилганидан кейин сотувчи ва харидор Биржа рўйхатдан ўтказган шартнома бўйича ўзаро мажбуриятлар бажарилганлиги тўғрисида далолатнома тузадилар.

20. Сотувчининг брокери томонидан харидор ва сотувчи имзолаган, харидор томонидан товар олинганлиги тўғрисида юкхатнинг битта асл нусхаси тақдим этилиши ХҚКП валюта маблағларини ваколатли банкдаги сотувчининг чет эл валютасида талаб қилиб олингунгача иккиламчи (транзит) депозит ҳисобварағига ўтказиши, ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумотнома олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

21. Экспорт қилинаётган товарларнинг божхона расмийлаштирувини сотувчи қонунда белгиланган тартибда амалга оширади.

22. Сотувчилар томонидан чет эл валютасидаги тушумнинг ваколатли банкка мажбурий сотилишини амалга ошириш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

23. Тарафларнинг харидор ва сотувчи ўртасида тузилган шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилиши учун жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

III. ЭКСПОРТ БИРЖА ШАРТНОМАЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

24. Бўлиб ўтган биржа савдосининг натижалари бўйича чет эл валютасида тузилган экспорт шартномаси Биржа ёки унинг ваколатли органи (филиал, савдо майдончаси) томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига кўра рўйхатдан ўтказилади.

25. Биржада рўйхатдан ўтказилган стандарт экспорт шартномалари бир иш куни мобайнида шартномалар тузилган жойдаги ҳудудий божхона органларида ҳисобга қўйиш учун юборилади.

26. Экспорт шартномаларини сотувчининг ваколатли банклари ва божхона органларида ҳисобга қўйиш улар биржаларда рўйхатдан ўтказилганидан кейин белгиланган тартибда амалга оширилади.

IV. БИРЖАДА ТУЗИЛАДИГАН БИТИМЛАР ИЖРОСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

27. Биржада тузиладиган битимлар ижросини назорат қилиш ва унинг кафолатини таъминлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

[АВ 02.05.2013 й. 1482-1-сон билан рўйхатга олинган ИВ, МВ, МБ Бошқаруви, ДБК Қарорига мувофиқ 28-банд ўз кучини йўқотган](#)

28. Биржа ва жойлардаги божхона органлари ҳар ойда экспорт шартномаларининг ижросини солиштирадилар.

V. ЯКУНИЙ ҚОИДА

29. Мазкур Низом “ЎзРТХБ” ОАЖ билан келишилган.

